



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№23 (976)

2026 йил 3 апрель, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги
"Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" деган бош ғоя асосида ўтказилади.

Яшил белбоғ лойиҳаси амалга оширилмоқда

Тошкент шаҳрида яна бир йирик "яшил парк" лойиҳасига старт берилди. Шаҳарнинг бош режасига кўра, яшил майдонлар ҳажми аҳоли жон бошига 3 квадрат метрдан 8 квадрат метрга кўпайтирилиши кўзда тутилган. Шунинг баробарида, Чирчиқ дарёси ўзани ҳам обод маконга айлантирилмоқда.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Маълумки, кейинги йилларда пойтахт иқтисодиёти ва агломерацияси жадал ўсмоқда. Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси ҳам 3,1 миллион нафардан ошди ва 2045 йилга бориб 2 баробардан зиёдга ортиши тахмин қилинмоқда. Шу маънода, шаҳар муҳитини соғломлаштириш ва турмуш сифатини яхшилаш мақсадида йирик парклар ва яшил белбоғ ташкил этиш белгиланган. Хусусан, Тошкент шаҳри бош режасига кўра, яшил зоналар майдони 3 баробарга оширилиб, 25 минг гектарга етказилади. Чирчиқ дарёси ўзани ҳам айна мақсадда ободонлаштирилмоқда.

Янги Тошкент яшил шаҳар концепцияси асосида барпо этилмоқда. Умумий ҳудуднинг камида 30-35 фоизи дарахтзорлар ҳамда парклардан иборат бўлади. Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш мега лойиҳаси доирасида Чирчиқ дарёсининг Янги Ўзбекистон кўчаси билан ке-

сишган жойидан бошлаб 20 километр ўзани ободонлаштирилади. Бу ҳам йирик лойиҳа бўлиб, дастлаб 100 гектар ҳудудни кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди. Пойтахтимиз ҳамда Янги Тошкент ўртасида жойлашган бу манзил келгусида шаҳарнинг яшил ўпкаси бўлиши кутилмоқда.

Бошланган ишлар натижасида Чирчиқ дарёсининг ушбу қисми тубдан ўзгартирилади. Авваллари тартибсиз, қаровсиз бўлган қирғоқ ҳудудлари бетонлаштирилиб, замонвий инфратузилма учун асос яратилди. Лойиҳа доирасида катта майдонда дарахтзор ва яшил зоналар, ўзига хос архитектуравий ечим асосидаги зинапоёли шаршара, аҳоли сайр қилиш жойлари, сув бўйида ўриндиқлар, велойўлаклар барпо этилмоқда. Кенг кўламдаги жараёнларга замонвий техникалар жалб қилинган. Бу ишлар натижасида шаҳар экологик мувозанати янада яхшиланиб, аҳоли учун сўлим сув бўйи маскани бунёд бўлади. Ҳозирда 10 гектар майдон манзарали кўчатлар ўтқозиш ҳамда сайилгоҳлар ташкил этиш учун тайёрланди ва кенг кўламда кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди. Ҳудудга чинор, қайрағоч, сафора ва каталка каби дарахт ҳамда кўчатлар ўтқазилмоқда.

Бу, албатта, Тошкент ҳамда Янги Тошкент бош режаларида яшил белбоғ дастури устувор мазмун қисмидан далолат беради. Чирчиқ бўйи қирғоқлари ҳам Тошкентга, ҳам Янги Тошкентга киргани учун ҳар томонлама яшил тасма вазифасини бажаради. Шу боис бу ерда бутунга қадар 2000 га яқин дарахт экилди. Бу ишлар Чирчиқ дарёсининг пастки ва юқори оқими бўйича ҳам давом этади. Буларнинг барчаси шаҳар ҳудудида яшил майдонлар кўпайиши ва бу орқали шаҳар ҳавоси тозаланишини таъминлайди.



▼ Янги Тошкент – келажак шаҳри.

Янги Тошкент Қорасув ва Чирчиқ дарёлари оралиғида жойлашгани боис у улкан табиий географик имкониятларга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳудуднинг айнан сув ресурсларига яқинлигидан самарали фойдаланиб, кенг кўламдаги яшил зоналар яратилмоқда.

Эътиборли жиҳати, экилаётган ниҳолларнинг аксарияти қисми Янги Тошкентнинг махсус кўчатхонасида етиштирилган. Уларнинг ёши 3 дан катта бўлиб, илдиз томири яхши ривожланган. Бу янги муҳитга тез мослашиши ва ўрнашиб кетишини таъминлайди. Маълумот учун, Янги Тошкент

ҳудудининг биринчи босқичида бутунги кунга қадар 1 миллионга яқин дарахт кўчатлари экилган. Келгусида яна 2,5 миллион туп дарахт экиш кўзда тутилган. Ҳудудни йирик яшил маконга айлантиришга қаратилган изчил сайё-ҳаракатлар яшил белбоғ концепциясининг муҳим қисмидир.



▼ Яшил шаҳарлар – келажак асоси.

Қурилишда экологик хавфсизлик муаммолар, талаблар ва ривожланиш истиқболлари

Урбанизация масаласи долзарб бўлади

Шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш ва қуриш тизимли муаммо бўлиб, аҳамияти жиҳатидан минтақада сув ва энергетика ресурсларини самарали бошқариш билан тенглашади. Чунки, етарлича ривожланмаган инфратузилма ишлаб чиқариш қувватлари, иқтисодиёт ва ижтимоий фаровонликнинг ўсишини жиддий чеклайди, шунингдек, турли хавф-хатарларни, масалан, экологик хавфларни бошқаришни қийинлаштиради. Йирик шаҳарларда кўпинча тартибга солилмаган қурилиш куза-тилади. Бундай урбанизация натижалари сифатида шаҳар меҳнат бозорларига босимнинг ортиши, муҳандислик инфратузилмасининг емирилиши, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва экологик таҳдидларга юқори даражадаги заифликлар юзга келмоқда.

Қурилишда экологик хавфсизлик деганда, табиатдаги экологик мувозанатни таъминладиган ҳамда атроф-муҳит ва инсонни қурилиш каби антропоген таъсир натижасида юзга келадиган ноқулай омилларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилувчи табиий, ижтимоий, техник, муҳандислик ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади.

Бугунги кунда экологик хавфсизликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Чунки бу, шаҳар аҳолиси сонининг кўпайиши, тижорат ва ишлаб чиқариш фаолияти кўламининг кенгайишига боғлиқ. Шунингдек, йирик шаҳарлар ҳудудларида энергия ва ресурслар истеъмоли жамланади, улкан миқдорда чиқиндилар ҳосил бўлади, сунъий ва табиий тизимлар ортқ-ча юкламага дуч келади. Бу тизимларни бошқариш ва уларнинг функцияларини тартибга солиш эса тобора қийинлашиб боради.

Шаҳарсозлик табиат билан уйғунликда олиб борилади

Президентимизнинг "Атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган "Тоза ҳаво" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилингани кўплаб ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Қурилишлар кўпайгани сари шаҳарларимизда яшиллик ва тоза ҳавога эҳтиёж ортиб бормоқда. Бугун бу муаммога давлат даражасида эътибор қаратиляпти. "Тоза ҳаво" умуммиллий лойиҳаси доирасида қурувчилар ва саноат корхоналари учун мутлақо янги экологик қоидалар жорий этилмоқда. Эндиликда Тошкентда шаҳарсозлик фақат табиат билан уйғунликда олиб борилади.

Заводларга мораторий: 2026 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида янги саноат зоналарини яратишга мuddатсиз мораторий (чеклов) жорий қилинади.
Мажбурий яшиллик: баландлиги 12 метрдан ёки майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган янги бинолар қурилишида ҳудуднинг камида 30 фоизи яшиллик (дарахт ва буталар) учун ажратилиши шарт.

Қурилишда қатъий назорат: барча қурилиш объектида чангни ўлчайдиган мониторинг станциялари ва Экология қўмитасига уланган онлайн камералар бўлиши мажбурий этиб белгиланди.

Кўллар ва фавворалар: Тошкентда 4 та янги сунъий кўл барпо этилади. Шунингдек, олийгоҳларда жами 15 та ва ҳар бир туманда камида биттадан янги фаввора қурилади.

Мазкур чоралар табиий мувозанатни қайта тиклайди. Бу эса, шаҳар иқлимини мўътадиллаштириб, аҳоли учун қулай, салқин ва ксилородга бой микроиқлим яратилишини кафолатлайди.

Булардан ташқари, ушбу лойиҳа доирасида табиий филтр, яъни Ўзбекистонда чанг буронларини тўсувчи улкан "яшил девор"лар ҳам барпо этилиши мўлжалланмоқда.

Чанг буронлари ва саноат чиқиндилари – бугунги куннинг энг асосий экологик таҳдидларидан бири. Бироқ бу муаммоларга ечим бор. Янги Фармонга кўра, Ўзбекистонда ҳаво сифатини ях-



шилаш учун йирик молиявий ресурслар ва инновацион технологиялар сафарбар этилмоқда. Хусусан, "Яшил девор"лар – чанг буронлари энг кўп кириб келадиган ва шаклландириладиган ҳудудлар – Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида юзлаб километрларга чўзилган улкан дарахтзорлар қалқони (яшил деворлар) барпо этилади. Бу "девор"лар шамол тезлигини пасайтириб, чанг ва кумни ўзида ушлаб қоладиган табиий филтр вазифасини ўтайди. Тошкент шаҳри ва вилоятда эса ҳавони чангдан тозалаш ҳамда намликни ошириш учун осмондан сунъий ёмғир ёғдириш ва сунъий шамол ҳосил қилиш технологиялари амалиётга жорий этилади.

Шунингдек, дарахт барглари ёқинга узил-кесил чек қўйилиб, улардан биологик ўғит (компост) тайёрлаш тизимига ўтилади. Шунингдек, жалб қилинган 300 миллион долларлик маблағ ҳисобидан йирик заводларга замонвий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди. Қолаверса, инновацион технологияларни қўллаш орқали иқлим ўзгаришлари ҳамда чанг буронларининг салбий оқибатларини сезиларли даражада юмшатишга эришилади.

Буларнинг бари мамлакатимизнинг экологик хавфсизлигини таъминлаб, халқимизнинг саломатлигини асрашда муҳим аҳамият қасб этади.

Ўз мухбиримиз.

Исламбек ДАВЛЕТОВ,

Тошкент архитектура-қурилиш университети менежмент кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори (ДС).



Замонавий дунёда экологик қурилиш катта аҳамиятга эга, чунки у инсон фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш имконини беради.

Экологик бинолар ва инфратузилма иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришга, энергия, сув ва бошқа ресурслар истеъмолини қисқартиришга, шунингдек, шаҳарларда ҳаво сифатини яхшилашга ёрдам беради. Бундан ташқари, экологик қурилиш одамлар яшashi ҳамда ишлаши учун соғлом ва қулай ша-

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



“Ал-Хоразмий” шаҳарчасига пресс-тур ташкил этилди

Оммавий ахборот воситалари вакиллари Хоразм вилоятида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида “Ал-Хоразмий” шаҳарчасидаги “Imzo Glass Khorezm” масъулияти чекланган жамиятида бўлишди.



Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Imzo” бренди остида фаолият юритувчи жамият нафақат вилоятда, балки республика миқёсидаги энг замонавий ва йирик тобланган ойна, дераза ва эшик ромлари ишлаб чиқарадиган корхоналардан биридир. Умумий қиймати 7 миллион доллар бўлган корхона йилга 300 минг квадрат метр қайта ишланган шиша ойна ҳамда 200 минг квадрат метр дераза ва эшик ромларини ишлаб чиқариш қувватига эга.

– Линияларимизнинг ишга туширилганига олти ой бўлди, – деди корхона раҳбари Шайхназар Абдалниёзов. – Биз ойнани тоблаш орқали унинг чидамлилиги ва тиниқлигини оширамиз. Қирқ турдан ортиқ замонавий қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиздан асосан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги қурилиш объектларида фойдаланилмоқда. Тез орада Туркменистон ва Қозоғистон Республикаларига экспортни йўлга қўямиз. Кейинги йилдан ойнани қайта ишлаш ҳамда ром ишлаб чиқариш линияларимиз алоҳида корхоналарга ажралди. Наҳаятда ҳозир корхонамизда меҳнат қилаётган 120 нафар ишчи сони икки баробар кўпаялди.

Шунингдек, журналистлар “Ал-Хоразмий” шаҳарчасида амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларини ҳам кўздан кеиришди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2022 йил август ойидаги ташрифи чоғида ушбу шаҳарча қурилиши пойдеворига капсула қўйган эди. Бир юз ўттиз гектардан ортиқ майдонда барпо этилаётган ушбу мажмуа келгусида шунчаки турар жой эмас, балки таълим, илм-фан ва инновацияларга асосланган ахлият экотизмига эга бўлган “Ақли шаҳар” (Smart city) бўлади. Сунъий интеллект асосида бошқариладиган энергия тежамкор технологиялар, видеокузатув ва хавфсизлик тизимларига эга шаҳарда Ал-Хоразмий номидаги янги университет барпо этилади. Унинг қошида истеъдодли болалар учун ихтисослашган мактаб қурилади. Уларда ўқиган ёшлар шаҳарчада бунёд этиладиган илм-фан, инновация ва маданият марказларида фаолият кўрсатади.

– Шаҳарчада технопарк ва офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, хибобонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, авто-тураргоҳ, савдо ва маиший бинолар қурилиши давом этмоқда, – деди “Ал-Хоразмий” мажмуасини барпо этиш ва сақлаш дирекцияси” давлат унитар корхонаси раҳбари Шерзод Оллабергенов. – Бунёдкорлик ишлари миқдори минглаб техника ва қурувчи мутахассислар жалб этилган. Худудда 5 минг хонадонни 104 та кўп қаватли уй-жой барпо этиш режалаштирилган. Ҳозир уларнинг 92 таси фойдаланишга топширилди. Наҳаятда 3500 нафар аҳоли уй-жой билан таъминланди. Марказий канализация ва бошқа инфратузилма

“Ал-Хоразмий” шаҳарчаси.



тармоқлари ишга туширилди. Иншоотларнинг барчаси “ақли технологиялар” асосида жиҳозланмоқда.

Дарҳақиқат, шаҳарчада бугун бунёдкорлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Шаҳарча марказида Абдулла Мухоммад ибн Муно ал-Хоразмий сайилгоҳи бўлиб, Буюк алломанинг маҳобатли хайкали ҳам ўрнатилди. Бу маскан келгусида “Урганч” халқаро аэропортидан чиққан ҳар бир инсоннинг кўзини қувватиб туради.

– Замонавий шаҳарча билан танишар эканмиз, бу ерда жуда катта кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик, – деди журналист Шерали Отабоев. – Буюк аллома Ал-Хоразмий меросини замонавий технологиялар билан уйғунлаштириш мақсадида барпо этилаётган мажмуа илм-фан кластери бўлади. Янги замонавий олий таълим муассасаси, IT-парклар, лабораториялар ва ёш олимлар учун тадқиқот майдончалари, таълимнинг узлуксиз занжирини яратиш учун боғчадан тортиб, юқори технологияли мактабларгача бўлган муассасалар – буларнинг барчаси мамлакатимизда рақамли технологияларни ривожлантириш, ёшлар учун “стартап”лар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, IT тадбиркорлигини ривожлантириш учун муҳит яратди. Уза жамоаси бу ўзгаришларни махсус материаллар, видео ва фоторепортажлар шаклида доимий равишда ёритиб боради.

Аҳоли мурожаатлари ҳал бўлмоқда

Навоий вилоятида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” анъана тарзида ўтказиб келинмоқда.

Ҳилола ИСМАТОВА,
Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот котиби.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида вилоят ҳокимлиги ҳамда қурилиш соҳаси мутасадди раҳбарлари иштирокида ана шундай учрашув билан бирга, “Сайёр қабул” ҳам ўтказилди.

Тадбирини Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Акбар Ниёзов кириш сўзи билан очиб, юртимизда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самараси, хусусан, вилоятда бу борада эришилган натижалар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритди. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи в.б. Озод Шодиев, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси раҳбари Алишер Турдиев, вилоят “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ раҳбари Анвар Бўриев ва бошқа соҳа мутасадди раҳбарлари томонидан аҳоли-

Тадбирдан лавҳа.



дан тушган мурожаатлар бўйича саволларга қонунчилик доирасида жавоб берилди. Айрим муаммолар жойида ижобий ҳал этилган бўлса, муддат талаб этидиганлари қатъий назоратга олинди.

Навоий шаҳрида яшовчи Махлиё Тошназованинг табиий газдан фойдаланиш, Қонимех туманида яшовчи Максим Кенжаевнинг ишга жойлаштириш ҳамда Навоий шаҳрида яшовчи Умида Файзиеваннинг ободонлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича қилган мурожаатлари юзасидан тегишли мутахассисларга топшириқлар берилди.

Шунингдек, тадбирда “Халқ сўзи” ва “O'zbekiston bunyodkori” газеталари, вилоят телевидениеси журналистлари ҳамда блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.



Қурилиш объектида чанг тарқалишининг олди олинмоқда.

Қурилишда экологик хавфсизлик муаммолар, талаблар ва ривожланиш истиқболлари

Ушбу вазият янги қурилишлар ва шаҳар аҳолисининг тез ўсиши билан янада мурракблашиб боради. Наҳаятда атроф-муҳитга етказилаётган зарар ва уни муҳофаза қилиш қаражатлари шунчалик катта миқдосга етдики, бу инсон саломатлигига таҳдид солади ва яшаш шароитларини ёмонлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, йирик шаҳарлар муҳитининг сифатини аниқлашда (бош режа даражасида), қурилишни экологик баҳолашда ва аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқишда, шунингдек, шаҳар ва унинг атроф худудлари миқёсида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда унда оқилона фойдаланишни режалаштиришда уларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлади. Экологик хавфсизлик қурилиш объектларини барпо этиш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш (ликвидация қилиш) босқичларида муҳим аҳамиятга эга.

Қурилишда муҳандислик-экологик тадқиқотлар атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва антропоген юклама таъсири остида унинг эҳтимолий ўзгаришларини баҳорат қилиш учун ўтказилади. Уларнинг мақсади эса зарарли ва нохуш экологик, шунингдек, улар билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатларнинг олдини олиш, уларни камайтириш ёки бартараф этиш ҳамда аҳоли учун қўлай яшаш шароитларини сақлаб қолишдан иборат.

Республикада драйвер соҳалардан бири бўлган – уй-жой қурилиши ҳамда аҳолининг уй-жой билан таъминланиши борасида қуйидаги статистик маълумотларга назар ташласак, 2025 йилда Ўзбекистонда 106,5 мингта янги квартира фойдаланишга топширилди. Бу – тарихий энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бирок қурилиш соҳаси ҳали ҳам мамлакатдаги демографик ўсиш суръатларига мос ҳолда олиб борилмапти. Ҳар йили 200 мингта янги оила пайдо бўлиши натижасида уй-жойга танқислик 90 мингтадан ортиқ квартирани ташкил этди.

Бу ҳақда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раиси Ш. Қудбиев жорий йилнинг 3 февраль кунини Президент Шавкат Мирзиёевга тақдим қилиш ҳиссасига тўри келадиган уй-жой майдонини 18,9 квадрат метрдан 23 квадрат метрга ошириш учун қурилиш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтириш зарур. Шунингдек, ҳар бир инсонга 23 квадрат метр уй-жой майдонига эришиш учун 2040 йилгача йилга 280 мингта квартира қуриш даражасига чиқишимиз керак. Шу билан биргаликда, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб қурилиш объектларида мажбу-

рий экологик талаблар жорий этилади. Бунда ушбу талаблар яқка тартибдаги уй-жой қурилишига таъбиқ этилмайди.

Фармон ижроси табиатни асрашга хизмат қилади

Таъкидлаш керакки, Экология ва иқлим ўзгариши Миллий қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 мартдаги “Атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “Тоza ҳаво” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-46-сон фармонига таяниб хабар беришича, қурилиш объектлари фон мониторинги станциялари билан жиҳозланади ва улар кейинчалик идоранинг ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинади. Шунингдек, қурилиш майдони периметри бўйлаб ва чиқил нўқталарида онлайн-камералар ўрнатилиб, онлайн назорат амалга оширилади ҳамда улар ҳам ушбу тизимга уланади.

Ҳужжатга кўра, ҳуқуқбузарлик содир этган қурилиш ташкилотларининг “Шаффоф қурилиш” платформасидаги рейтинг баллари камайтирилади. Бундан ташқари, лойиҳа-смета ва шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда экологик экспертиза хулосасини тақдим этиш мажбурий қилиб белгиланади. Янги қуриладиган бинолар ва иншоотлар (баландлиги 12 м ортиқ ва ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан зиёд бўлган, яқка тартибдаги уй-жойлар бундан мустасно) лойиҳалаштирилганда, уларга туташ худуднинг кўкаламзорлаштириш майдони ажратилган ер участкаси умумий майдонининг камида 30 фоизини ташкил этиши керак.

Энди қурилиш соҳасида ҳам экологик талаблар кучайтирилади. Экологик вазиятни яхшилаш бўйича Махсус комиссия “Тоza ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳақида берилган ахборотда таъкидланганидек, бугунги кунда Тошкент, Навоий, Фарғона, Чирчиқ ва Термиз шаҳарларида ҳавонинг ифлосланиш даражаси белгиланган меъёрдан юқори бўлиши ҳолатлари – санаотнинг ўсиши, углерод ёқилгиларидан кенг фойдаланиш, транспорт воситалари сонининг кўпайиши, табиий омилар ва назоратнинг етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли 2030 йилга қадар атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини қисқартириш, санаот объектларида ташламаларни ушлаб қолиш улушини ошириш, транспортдан чиқадиган зарарли моддаларни камайтириш ҳамда PM2,5 бўйича меъёрдан ошши кузатиладиган кунлар сонини пайсантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу бонис, “Тоza ҳаво” умуммиллий лойиҳасида энергетика ва санаот тармоқларига алоҳида эътибор қаратилади.

Қурилиш соҳасида нималар ўзгаради?

- Янги қуриладиган йирик объектларни лойиҳалаштиришда кўкаламзорлаштириш даражасини ошириш;
- қурилиш материалларини ёпиқ шароитда сақлаш;
- чиқиндиларни махсус қувур ва контейнерлар орқали тушириш;
- майдонларни химоя тўсиқлари билан ўраш;
- онлайн кузатув камераларини ўрнатиш каби талаблар белгиланмоқда.

Мазкур талаблар нафақат экологик барқарорликни таъминлашга, балки атмосфера тозаллиги, аҳоли саломатлиги ва шаҳар инфратузилмасининг уйғун ривожланишига ҳам қаратилган.

Умуман олганда, анъанавий қурилишдаги ушбу муаммолар атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга оладиган, энергия тежамкор материаллар ва технологиялардан фойдаланадиган ҳамда табиатга салбий таъсири камайтиришга хизмат қиладиган экологик қурилишга ўтиш зарурлигини таъкидлади. Экологик қурилиш – экологик тоза материаллардан фойдаланиш, энергия самарадорлиги ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек табиий ресурсларни сақлаш ва ердан барқарор фойдаланиш ўз ичига олади.

Биринчи навбатда, экологик тоза материаллардан фойдаланиш – бу қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қўллаш ва утилизация жараёнларида атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатадиган



Замонавий шаҳарсозликда “ақли боғи”лар.

Шунингдек, 2026 йил 1 декабрга қадар камида бир худудда 1 м майдонда тўқилган барглари йилнинг тизими жорий этилади, улар кейинчалик биологик парчаланаяди (компостлаш) ва олинган органик моддалар компост ҳамда мулча сифатида фойдаланилади. 2027 йил 1 майга қадар хорижий компаниялар ва илмий-тадқиқот институтлари жалб этилган ҳолда Тошкент шаҳрининг 2035 йилгача бўлган экологик ва сув бошқаруви бўйича мастер-режаси ишлаб чиқилади.

Фармон билан, шунингдек, экологик ва қурилиш экспертизаси хулосаларини олишда “шамоллар розаси” харақатини мажбурий ҳисобга олиш белгиланган. Худудларнинг бош режаларида “шамол коридорлари” тасдиқланади. Бундан ташқари, дарё ва канал узанларини тозалаш ёки кум-шағал материалларини ноқонуний қазиб олиш натижасида бузилган сув фонди ерларини реабилитация, рекултивация қилиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳуқуқбузар шахслар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда “Тоza ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасида энергетика ва санаот тармоқларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Қурилиш объектидан чиқадиган техникалар тозаланимоқда.

материалларни танлашни аниқлатади. Буларга ёроқ, гил, сомон каби табиий ва қайта тикланадиган материаллар, шунингдек қайта ишланган чиқиндилардан тайёрланган экологик тоза синтетик материаллар киреда.

Иккинчидан, энергия самарадорлиги ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш – биноларни энергия сарфини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш, иситиш, совитиш ва ёритиш учун энергия тежамкор технология ва тизимлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Шунингдек, қуёш, шамол ёки геотермал энергия каби муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, табиий ресурсларни сақлаш ва ердан барқарор фойдаланиш – лойиҳалаш ва қурилиш жараёнларида экологик омиларни ҳисобга олиш, ердан фойдаланишни камайтириш, биохилма-хилликни сақлаш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда инфратузилма учун ердан оқилона фойдаланишни ўз ичига олади.

Бундан ташқари экологик қурилишнинг асосий усуллари сифатида – ашилл томлар ва деворлардан фойдаланиш, қуёш панеллари ва ёмғир сувини йиғиш тизимлари, шунингдек қайта ишланган ва қайта тикланадиган материаллардан фойдаланишларни таъкидлаш жоиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилган экологик қурилишга ўтиш зарурати юзасидан белгиланган асосий йўналишлар ва усуллар атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, бинолар ва инфратузилманинг энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурслардан самарали ҳамда барқарор фойдаланишга ёрдам беради.

Хулоса сифатида айтганда, экологик қурилиш замонавий қурилиш санаотининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади ва инсонлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда барқарор шаҳарларни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу соҳанинг аҳамияти энергия сарфини камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, хаво ва сув сифатини яхшилаш ҳамда углерод изини камайтириш билан белгиланади. Шу билан бирга, иқлим ўзгариши муаммосига қарши курашишда ҳам экологик қурилиш муҳим аҳамият касб этади. Шаҳарлар тез суръатларда ривожланаётган ва аҳоли сони ортиб бораётган шароитда, экологик қурилиш келажак қурилиш соҳасининг ажралмас қисмига айланади, шунингдек, экологик технология ва ёндашувларни жорий этиш, барқарор ва соғлом яшаш муҳитини яратишга яқиндан хизмат қилади.

Ичимлик суви сифати доимий эътиборда

Аҳолини сифатли ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бугунги кунда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан "Навоий сув таъминоти" АЖ тасарруфидаги сув тарқатиш иншоотлари ва тарқатиш тармоқларидаги ҳамда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини доимий равишда текширувдан ўтказиш бўйича назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Нодиржон Жўраев,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси шўъба бош мутахассиси.



▲ Навоий вилоятида мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу жараёнда сувнинг кимёвий, бактериологик ва бошқа кўрсаткичлари лаборатория шароитида таҳлил қилиниб, назорат тадбирлари доирасида олинган намуналар белгиланган санитария меъёрларига мослиги юзасидан чуқур ўрганилди. Жумладан, аҳолига ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати миллий стандартлар ва санитария қоидаларига жавоб бериши юзасидан инспекция мутахассислари томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида 50 марта мониторинг олиб борилиб, 437 та таҳлил олинди.

Таҳлиллар натижаларига кўра, Навбахор тумани, "Янги йўл" МФЙ, Афросиёб кўчаси 30-уй ва Нафосат кўчаси 11-уйларга етказиб берилаётган ичимлик сувида "Микробиологик кўрсаткичлар" бўйича ичак таёқчалари гуруҳидаги бактерияларнинг сони (коли – индекс) О'zMS1 133.20241-жадвал 1.2-бандида кўрсатилган (1 дм³ сувдаги БГКП миқдори) меъёрдан ортиқ эканлиги аниқланди. Аниқланган салбий ҳолатлар юзасидан Навбахор тумани СЭО ва ЖСБ ҳамда "Навоий сув таъминоти" АЖ Навбахор тумани бўлимига ёзма кўрсатмалар берилиб, бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилди.



Шунингдек, инспекция мутахассислари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Хусусан, фуқароларга ичимлик сувидан тўғри фойдаланиш, уни тежаш ва уй шароитида сақлаш қоидалари ҳақида маълумотлар берилди. Бу эса, нафақат сув сифати, балки аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан олиб борилаётган назорат тадбирлари ичимлик суви сифати барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолига етказиб берилаётган сувнинг хавфсизлиги таъминланади, жамоат саломатлиги муҳофаза қилинмоқда.

Тадбирлар амалга оширилмоқда

▼ Назорат тадбирлари давом этмоқда.



Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг Кўп квартирали уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбаси томонидан 2026 йилнинг январь ойидан бугунги кунга қадар тизимли назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Дурдона ЭЛМУРОДОВА,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот котиби.

Хусусан, мазкур давр мобайнида 379 та уй ўрганилди. Шунингдек, уйларнинг ертўла қисмлари техник ҳолатини баҳолаш мақсадида 248 та объект кўздан кечирилди. Ўрганилган натижасида 148 та ҳолатда техник фойдаланиш қоидалари бузилганлиги аниқланди. Аниқланган камчиликлар таҳлили шуни кўрсатадики, 26 та ҳолатда таъин ва тўсиқ конструкцияларига зарар етказилган, 92 та ҳолатда эса кўп квартирали уйларнинг туташ ер участкаларида ўзбошимчилик билан қурилмалар барпо этилган. Бундан ташқари, умумий фойдаланишдаги ҳудудларда 10 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган бўлса, ертўлаларда 27 та турли камчилик қайд этилди.

Қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддаси 3-қисмига асосан, 38 та маъмурий баённома расмийлаштирилди ҳамда 812,8 миллион сўм миқдориди жарима қўлланилди. Шунингдек, 47 та ҳолат бўйича фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. Берилган кўрсатмалар асосида 57 та ҳолатда аниқланган камчиликлар бартараф этилган бўлса, маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг 2 та ҳолатда қонунбузарликлар тўғатилади.



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5152-сон қарорига асосан, фойдаланишга қабул қилинган кўп квартирали уйларда эксплуатация қафолат мuddати давомида аниқланган 19 та камчилик юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Вазиран Маҳкамасининг 200-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ, 15 та мурожаат ўрганиб чиқилди. Турар жой тоифасидан нотура жой тоифасига ўтказиш бўйича 1 та ариза қаноатлантирилган, 6 та ариза рад этилган бўлса, айрим аризалар кўриб чиқиш жараёнида.

Шунингдек, нотура жойдан турар жой тоифасига ўтказиш бўйича 1 та ариза қабул қилиниб, 7 та ариза рад этилган. Электрон тизимлар орқали келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, eOlojo.uz платформаси орқали келиб тушган 8 та мурожаат ўрганилди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини қулайтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда 23 та материал жойлаштирилди. Хусусан, айти кунларда Қарши шаҳри Шодлик маҳалласида жойлашган кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларида ўзбошимчилик билан қурилган қурилмалар ҳамда тўсиқ конструкцияларга ноқонуний ўзгартириш киритиш ҳолатларини аниқлаш бўйича назорат тадбирлари ўтказилди. Натижада ҳудудда жами 15 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан белгиланган тартибда кўрсатмалар расмийлаштирилди ҳамда огоҳлантириш хатлари берилди.

Шу билан бирга, аниқланган камчиликлар белгиланган мuddатда бартараф этилмаган тақдирда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий жавобгарлик чораларининг қўлланилиши, хусусан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорида жарима солиниши тушунтирилди. Қўрилаётган чоралар кўп квартирали уй-жой фондидан оқилона ва хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Темир йўл участкасини электрлаштириш бошланди

Президентимизнинг жорий йил 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида вилоят фаоллари билан ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган устувор вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида муҳим инфратузилма лойиҳаларидан бири – 103 километр узунликдаги "Қумкўрғон – Қудуқли" темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари бошланди.

Ғайрат БҮРИЕВ,

Термиз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.



Мазкур лойиҳа ҳудудда юк ва йўловчи ташвиш самардорлигини ошириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамда тезкор поездлар ҳаракатини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов лойиҳа тақдироти билан яқиндан танишиб, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, амалга ошириш босқичлари ҳамда қутилаётган натижалар юзасидан мутасаддилар ахборотини тинглади. Шунингдек, Азларсо маҳалласида сел ва сув тошқинларининг олдини олишга қаратилган лойиҳа тақдироти ҳам кўздан кечирилди.

Ташриф давомида вилоят ҳокими нуруний отахонлар билан биргаликда ушбу йирик инфратузилма лойиҳасига тантанали равишда старт берди. Лойиҳа нафақат ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, балки янги иш ўринларини яратиш, логистика имкониятларини кенгайтириш ва аҳолига янада қулай транспорт хизматларини кўрсатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

▼ Нурафшонда янги объектлар фойдаланишга топширилди.



Нурафшонда янги ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази бўлган Нурафшон шаҳрида бир қатор ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди.

Хусусан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида замонавий Қон қуйиш маркази иш бошланди.

Мазкур марказ 4 қаватли бўлиб, қарийб 18 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилган. Бино барча замонавий тиббий ёрдам берадиган инфратузилмага эга. У ҳудуддаги 22 та туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларини узлуксиз равишда қон ва унинг компонентлари билан таъминлайди.

– Янги марказда қонни қайта ишлаш, тайёрлаш ва захиралаш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, у халқаро стандартларга мос замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, – деди Тошкент вилоят солиқчи сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. УА муҳбири Абдулазиз Мусаева. – Бу эса қон хавфсизлиги ва сифатини юқори даражада таъминлаш имконини беради. Айти пайтда марказда 90 нафарга яқин малакали тиббиёт ходимлари фаолият юритмоқда.

Шунингдек, 2 та сайёр гуруҳ ҳудудларга чиқиб, донорлар қонини йиғиш, аҳоли ўртасида донорлик ҳаракатини кенг тарғиб қилишга қаратилган турли ақциялар ва тушунтириш тадбирларини амалга оширади.

Шунингдек, Нурафшон маҳалласида 250 қатновга мўлжалланган замонавий, 3 қаватли оилавий поликлиника янгидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими Илҳом Қилчханов мазкур тиббиёт муассасаларининг ишга туширилиши аҳолини замонавий ва сифатли бирламчи тиббий хизматлар билан таъминлаш имкониятларини сезиларли даражада оширишини алоҳида таъкидлади. Ушбу оилавий поликлиника 16 та маҳаллада истиқомат қилувчи қарийб 60 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Муассасада 273 нафар малакали тиббиёт ходими ҳамда 27 та тиббиёт бригадаси фаолият юритиб, аҳолига тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш таъминланмоқда.

Маълумки, давлат ва жамият ривожига хусусий секторнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Нурафшон шаҳрида бу йўналишда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 4 миллиард сўм маблағ эвазига тадбиркор томонидан барпо этилган "Wonder Land" хусусий мактаб-гача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳа ҳудудда болаларнинг богчага қамровини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Муассаса 80 нафар тарбияланувчини қабул қилиш қувватига эга бўлиб, замонавий талаблар асосида қурилган ҳамда барча коммуникация тизимлари билан таъминланган. Богчада болалар учун очик сув ҳавзаси, мини футбол майдони ва замонавий ўйин майдончалари яратилган. Таълим-тарбия жараёни ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Шунингдек, ментал арифметика, гимнастика, таэквондо, мини футбол ва теннис каби тўғарақлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Ҳудуд фаоллари мазкур бунёдкорлик объектларида бўлиб, яратилган шароитлар билан танишди.

Янги бино фойдаланишга топширилди

Қорақалпоғистон Республикасида Наврўз шодиёналари давомида Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими учун мўлжалланган янги биноси фойдаланишга топширилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янги бинони барпо этиш жараёнида аввалги 50 ўринли болалар шифохонаси биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди. Барча қури-



лиш-монтаж ишлари сифатли яқунланиб, муассаса замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Шунингдек, ижтимоий ҳамкорлик доирасида "Қўнғирот сода заводи" корхонаси томонидан хомийлик ёрдами кўрсатилиб, муассасага 40 та кроват, 40 та тумба ва 6 та кўп функцияли тиббий кроват олиб келинди.

Тригенерация нима?

Дунёда энергетиканинг муқобил ривожланиши ресурс ва энергия тежамкорлик муаммоларини энергиянинг ноанъанавий қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш асосида ечиш билан чамбарчас боғлиқдир. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қўлланилиши иқтисодийнинг тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айланади.

Қахрамон МОВЛЯНОВ,
"Иссиқликтаъминоти" АЖ бош мутахассиси.

Ўтган давр мобайнида республикада иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш ҳамда аҳолини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шунингдек, энергия тежаш соҳасида ҳам талай ижобий ишлар бажарилмоқда. Ҳозирда иссиқлик таъминоти билан таъминлашда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, жумладан, "Яшил энергетика" яъни атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ёки жуда кам зарар етказадиган, қайта тикланувчи манбалардан олинадиган энергия туридан фойдаланиш тизимига ўтилмоқда.

Бундан ташқари, жаҳон таърибларидан қўлланилаётган иқтисодий йўналишлардан бири – тригенерация қўрилмалардан фойдаланиш ёқилги харажатларини камайтиради. Қолаверса, атроф-муҳитга CO₂ чиқиндилари кам чиқарилади, анъанавий усулларга нисбатан ёқилги сарфини 30-40 фоизга камайтиради, тежамкор ва энергия мустақиллигини оширади.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда, матбуотда ҳамда турли тақдиротларда "тригенерация" жумласига кўп дуч келяпмиз.


Тригенерация бу – бир вақтнинг ўзida уч хил, электр энергияси, иссиқлик ва совуқ энергия ишлаб чиқарадиган инновацион технологиядир. Бу жараён ёқилги самардорлигини максимал даражада ошириб, харажатлар ва зарарли чиқиндиларни камайтиради. Тригенерация двигателлари ёки турбиналари томонидан ишлаб чиқарилган иссиқлик энергиясидан фойдаланиш орқали ишлайди. Масалан, электр

энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликнинг бир қисми иситиш тизимларига йўналтирилади, қолган қисми эса ютилиш мосламалари ёрдамида совуққа айлан-тирилади. Ушбу ёндашув 90 фоизгача самардорликни таъминлайди, бу эса тригенерацияни энг иқтисодий энергия технологияларидан бирига айлантиради.


У қандай ишлайди?

Тригенерациянинг иш тамойили куйидагича. Керакли параметрларга эга ёнғувчи газ пистонли двигателга берилди. Ёниш жараёни механик энергия ҳосил қилади, у битта вал орқали генераторга узатилади ва стандарт сифатли электр энергиясига айланади. Ички ёниш двигателнинг ишлаши кўп миқдорда иссиқлик ҳосил қилади, уни махсус ускуналар ёрдамида қайта тиклаш ва кейин ишлатиш мумкин. Бу энергияни олиш учун қўшимча ёқилги талаб қилин-майди. Бу электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнининг қўшимча маҳсулотидир.

Газ пистонли агрегатлардан иссиқликни қайта тиклаш тизими иссиқлик алмаштири-гичлар ва чиқинди иситиш қозонлари ёрдами-да керакли параметрларга тегишли иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш имконини бера-ди. Бу ҳам ўз навбатида, иситиладиган қис-млар ва муҳитдан иссиқликни олиб ташлайди.



▲ Қурилманинг тузилиши.



Ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси корхонанинг мавжуд иситиш тизимига (когенерация) берилди.

Икки энергия ресурсини бир вақтнинг ўзida ишлаб чиқариш билан когенерация режимидан ташқари, газ пистонли агрегат махсус ўрнатил-ган ускунадан фойдаланган ҳолда тригенерация режимини, яъни учта энергия ресурсини – электр энергияси, иссиқлик ва совуқни бир вақтнинг ўзida ишлаб чиқаришни ташкил қи-лиши мумкин.

Қайси турдаги ёқилгидан фойдаланилади?

Макур қурилмани ишлаши учун бир неча ёқилги турларидан, жумладан, табиий газ, биогаз, дизел ёқилгиси, сулғитрилган газ, саноат чиқиндиларидан фойдаланилади. Қурил-манинг самардорлик даражаси анча баланд бўлиб, анъанавий электр станцияларида умумий самардорлик 35-45 фоизни, Когенерация электр ва иссиқлик узатиш қурилмасида 75-85 фоизни ташкил этса, Тригенерация қурилмаси-да самардорлик кўрсаткичи 85-95 фоизни таш-кил этади.

Тригенерация қурилмалари истеъмолчи-нинг энергия таъминоти тизимининг самар-дорлигини оширади. Макур қурилмадан фойдаланишнинг асосий иқтисодий фойдаси – қўшимча ёқилги харажатларисиз, нисбатан эркин энергия ресурсларини (иссиқлик, совуқ) ишлаб чиқаришдир. Бу моногенерацияга (фақат электр энергияси ишлаб чиқариш) нисбатан электр энергияси ишлаб чиқариш нархини се-зиляри даражада камайтиради, бу ерда бар-ча харажатлар битта ресурсга тақсимланади. Тригенерация натижасида истеъмолчи барча ишлаб чиқарилган ресурсларни марказлашти-рилган тармоқлардан анча арзонроқ олади.

Шунингдек, тригенерациянинг фойдали-томони – ишлаб чиқарувчи объектни исте-ъмолчига яқин жойда жойлаштиришдир. Бу узати-ш йўқотишларини камайтиради ва энергия ресурслари нархидаги транспорт компоненти-ни йўқ қилади.

Тригенерация – ёзда истеъмолчига конди-

ционер тизимлари учун совутилган сув керак бўлганда, газ турбинаси совутиш тизимидан иссиқ сув ютилиш чиллари генераторига узати-лади. Бу ерда иссиқликни қайта тиклашнинг биринчи босқичи содир бўлади. Шунингдек, Генератор иссиқликни қайта тиклашнинг ик-кинчи босқичи содир бўладиган ютилиш чил-леридан чиқинди газларни қабул қилади ва максимал самардорлик билан совуқлик ҳосил қилади. Қишда истеъмолчи одатда иссиқ сувга муҳтож бўлади. Бу ҳолда, газ турбинаси совутиш тизимидан иссиқ сув истеъмолчига чиллерга эҳтиёж сезмасдан тўғридан-тўғри етказиб бе-рилади. Газлари ютилиш чиллари-иситигичга қиради, у ерда иссиқликни қайта тиклаш орқали қўшимча иссиқ сув ишлаб чиқарилади. Бу чиқинди иссиқликдан иситиш мақсадларида энг тўлиқ фойдаланишни таъминлайди.

Дунё таърибаси

Ушбу қурилма Германияда энергия самар-дорлиги сисъатининг муҳим қисми бўлиб, саноат корхоналари ва кампусларда кенг жорий этилган.

Японияда табиий офатлар хавфи сабабли ав-тоном энергия тизимларига катта эътибор бери-лади ва асосан, меҳмонхона, шифохона ва савдо марказларида қўлланилади.

Америка Қўшма Штатларида университет шаҳарчалари, аэропортлар ва йирик биноларда ишлатилади.

Хитойда янги индустриал ҳудудлар ва "ақл-ли шаҳар" лойиҳаларида фаол жорий этил-моқда.

Чиқинди қайта ишланади

Самарқанд вилояти Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодийнинг ривожлантириш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон экология партияси вилоят кенгаши ходимлари хитойнинг "Shanghai SuS Environment" компанияси томонидан барпо этилаётган чиқиндиларни қайта ишловчи корхонада қурилиш ишларининг бориши, сифати ва самардорлиги билан танишдилар.

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кунига 1,5 минг тонна чиқиндини термик усулда қайта ишлашга ихтисослашган, 150 АҚШ долларига маблағ эвазига барпо этилаётган корхона Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари

ўртасидаги ҳамкорлик маҳсули ҳисобланади. 8 гектар майдонда айни кунларда бунёдкорлик ишлари авж олган.

Шуниси эътиборлики, янги иншоот фойда-ланишга топширилган, 240 миллион КВТ электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади ва 200 нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланади.



▲ Янги завод барпо этилмоқда.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таъхир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Таъхир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Таъхиррият:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусахҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіет уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіет уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎЗГАШҚЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшахарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Таъхиррият манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2026 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюроғи – Г-441. 1336 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Таъхирриятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таъхиррият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشرіет-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 21.50. Топширилди – 22.50.

"Qashqadaryo Technologik Transport" AJ

2026 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий стандартлари асосида ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш, СМК ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил аудит ташкилотларга танлов бошлангани ҳақида эълон қилади!

Танловда қатнашмоқчи бўлган аудиторлик ташкилотлари **2026 йил 2 апрелдан 13 апрелга** қадар жамият бошқарув кенгашига ўз тижорат таклифларини тақдим этишлари лозим.

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар:

- аудит ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, почта манзили, теле-фон алоқа рақами тўғрисидаги маълумотлар;
- лицензиялар, раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри, сўғурта полиси, давлат рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланган нусхалари;
- шартнома предмети, ариза берувчининг юридик шахслар фаолиятининг умумий аудитни ўтказиш таърибидан. Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини мажбурий текширишларининг сонини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг имзоси ва аудит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган тижорат таклифи;
- раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар, жумладан мутахассисларнинг таркиби ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, аудиторлик ташкилотда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган халқаро ва бошқа сертификатларга эга бўлган ходимлар сонини;
- аудит ташкилоти томонидан аудиторлик хизматларининг нархини кўрсатган ҳолда молиявий ҳисоботларнинг мажбурий аудити тақдим этиш тўғрисида имзоланган шартнома лойиҳаси.

Талабгорлар юқорида кўрсатилган ҳужжатлар ва аризани конвертда қуйидаги манзилга юборишлари лозим: 180100, а/я-17, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй.

СТИР: 201 560 065.

Тел./факс: +998-99-545-53-58.

Электрон почта: qashst_aj@umail.uz

Бошқарув кенгаши.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 3-6 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва бюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Дилмурод Элибоев**, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Беҳзод Эргашев**, Иқтисодий ислохотлар ва стратегик режалаштириш бўлими бош мутахассиси **Ҳасан Джумаков**,

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Элдорбек Рустамов**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" davlat xaridlarini tashkil qiliish va amalga oshirish b'limi етакчи мутахассиси **Улугбек Эгамназаров**,

"Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти" Давлат муассасаси "Хоразм" филиали лойиҳа бош архитекторлари **Қамолддин Ҳакимов**, **Зоҳиджон Болтаев**,

"Ўзғирсаноатлоиҳа" АЖ СМО етакчи мутахассиси **Светлана Анненкова**, ОАВПиЭА бош мутахассиси **Шоҳсанам Мамаджанова**,

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ йўл ва худудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандислари **Асатилла Зайнуddинов**, **Сухробжон Абдуҷалилов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассислари **Сослан Самамбетов**, **Баҳадир Бердиниязов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Баҳадир Вахиев**, мутахассиси **Бахтияр Кусеєєєв**,

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими

архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Қахрамон Пирматов**, фаррош **Одинахон Усмонова**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Рустамжон Ниязов**, Кўп квартиралли уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини мониторинг қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Беҳзод Аҳмедов**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Молия-иқтисод ҳамда молиявий оқимларни таҳлил қилиш ва бошқариш департаменти бош мутахассиси **Ўткир Юсупов**, Молиявий режалаштириш ва иқтисодий бўлими бош мутахассиси **Шаҳзод Маърупов**, Ижро назорати ҳамда қисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Мақсуд Исомиддинов**, Қорақалпоғистон Республикаси Қирғули иссиқлик таъминоти иқтисодчиси **Дилноза Тадибоева**, Бухоро вилояти филиали операторлари **Шавкат Аълоєєєв**, **Қахрамон Эгамов**, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар филиали ХБ нозир **Тахмина Сайдалиева**,

Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги "Шухрат Бошқарувчи Компанияси" МЧЖ бош директори **Шухрат Элмуродов**, Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги "Bekobod-Ideal-Kommunal-Servis" МЧЖ бош директори **Адҳам Умаров**, Янгийўл шаҳридаги "Есат Эверест Курувчи" БСК МЧЖ бош директори **Султон-назар Машарипов**, Тошкент шаҳар Шайхон-тохур туманидаги "Обод турмуш ҳамкор" БСК МЧЖ бош директори **Барно Элтоєєєваларни** таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сизхат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" GAZETASIGA

2026 йил учун

обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today

